



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY  
VA O'RTA MAXSUS TA'LIM  
VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION RIVOJLANISH  
VAZIRLIGI

**“БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ ВА  
ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ  
МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ”**

**мавзусидаги республика онлайн**

**илмий-амалий анжумани**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**



*Alisher  
Navoiy*

**580**

**5 февраль 2021 йил  
Бухоро**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ  
ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР  
ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ  
МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

мавзуидаги республика онлайн илмий-амалий конференция

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021 йил 5 февраль. Бухоро

keltirilmagan doiralarni kiritilganligini uning aruzshunoslikdagi eng katta xizmati sifatida e'tirof etadi.

A.Navoiyning barcha asarlari insonlarni komillik, yaxshilik sari yetaklovchi asarlar hisoblandi. Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, ta'lim-tarbiya bobida Navoiy asarlariga murojat qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki Navoiy asarlarida ezgulik, vatanparvarlik, mardlik, mehr-oqibat kabi fazilatlar hamisha yetakchi o'ringa qo'yilgan. Uni hazrat Navoiy o'z asarlarida haqiqatni shunday ta'sirchan ifodalaydiki, buni o'qigan inson xayrli ishlar qilishga shoshiladi. Ota-onaga bo'lgan cheksiz hurmat ham shoir ruboiylarida o'z aksini topgan:

Boshni fido ayla ato qoshig'a  
Jismni qil sadqa ano qoshig'a  
Tun kuningga aylagali nur fosh  
Birisin oy angla, birisin quyosh.

Haqiqatda A.Navoiy ijodida yaxshilikka da'vat, yomonlikdan uzoq bo'lish, o'zini o'zi tarbiyalash g'oyasi mujassam. Shu sababdan ham bir necha asrlardan buyon buyuk ajdodimizning benazir asarlari xalqimiz tomonidan sevib o'qiladi va bugun ham tobora ommalashmoqdaki, ularda ilgari surilagan g'oyalar ahamiyatini asli yo'qatgani yo'q.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Alisher Navoiy. Majolis un-nafois. MAT. 20 jildlik. T.:Fan, 1997. 13-jild.
2. Alisher Navoiy. Muhokamat ul-lug'atayn. MAT. 20 jildlik. T.: Fan, 2000. 16-jild.
3. Alisher Navoiy. Mezon ul-avzon. MAT. 20 jildlik. - T.:Fan, 2000. 16-jild.
4. Alisher Navoiy. Mufradot. MAT. 20 jildlik. -T.:Fan, 2000. 20-jild.
5. Shuhrat Sirojiddinov, Dilnavoz Yusupova, Olimjon Davlatov. Navoiyshunoslik. Toshkent: "TAMADDUN", 2018. -520 b.

#### **АЛИШЕР НАВОИЙ БАЙТЛАРИ ШЕЪРШУНОС ОЛИМ НИГОҲИДА**

*Рўзигул Қодирова,*

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Таниқли адабиётшунос олим Нўъмон Раҳимжонов замонавий ўзбек шеърятининг улкан тадқиқотчиси сифатида танилган. Айни вақтда олим унинг илмий асосларини ўзбек мумтоз адабиётининг кўп асрлик анъаналарида кўради. Шу жиҳатдан янги ўзбек шеърятининг юксалишида улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижоди улкан сарчашма вазифасини ўтаб келади. Нуктадон олим бугунги шеърятни таҳлил қилар экан, ана шу сарчашмадан сув ичган ижодкорлар, хусусан, улуғ мутафаккир ижодига ҳам тўхталади.

Маълумки, замонавий ўзбек шеърляти муборак ҳадислар асосида шеър битиш анъанаси Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” туркумида муваффақиятли давом эттирилган. Шу ҳақда олим ёзади: “А.Ориповнинг эллиқ ҳадис асосида битилган шеърларидан иборат “Ҳаж дафтари” Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Арбаин” асарларидаги фалсафий-ахлоқий қарашларни янги воқелик, янги ҳаёт материали асосида давом эттиради. “Арбаин” асарларидаги фалсафий-ахлоқий ғоялар дин хусусидаги қирқ ҳадисни мусулмонларга етказган мўминга бериладиган мукофотлар ҳақидаги ҳадис асосида юзага келган. Бугунги кунда шоирларимизнинг бадиий-эстетик изланишларидаги “Қирқ ҳадис” намуналари инсон ахлоқи, одоби, руҳий покланиши ва маънавий камолоти жараёнида Аллоҳни улуғлашга, Муҳаммад (с.а.в.) суннатларининг қимматини тарғиб этишга қаратилган” [1,19-20]. Адабиётшунос сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг қирқ ҳадис шеърга солинган “Арбаин” асарининг ижодий таъсирини А.Ориповнинг “Ҳаж дафтари” туркумида кўради. Баркамол инсон тарбияси кун тартибида турган айна даврда бундай асарлар тарбия воситаси вазифасини бажаради. Чунки, олим таъкидлаганидай, руҳий маънавий камолот диний ва дунёвий илмларнинг уйғунлигида намоён бўлади.

Адабиётшунос олимнинг Алишер Навоий ғазаллари таҳлил этилган бадиий сўзни кўллашга оид фикрлари ҳам эътиборни тортади. Маълумки, Алишер Навоийнинг “Келмади” радифли ғазали қуйидагича бошланади:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимға кеча тонг отқунча уйку келмади.  
Лаҳза-лаҳза чиқдимۇ чекдим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимғаву ул шўхи бадхў келмади.

Н.Раҳимжонов улуғ мутафаккирнинг бемисл нуктадонлиги, санъаткорлигини қуйидагича очиқ беради: “Аввало, шеърдаги фикр қурилишига эътибор берайлик. Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади. Сўзлар фақат лирик қаҳрамон севгилисининг ситамларини хабар қилиш билан кифояланиб қолаётгани йўқ. Ҳам кайфият, ҳам манзара, ҳам ҳолатни ифодаловчи поэтик образ яратилапти. Шу ўринда “Кеча келгумдур дебон ул севгилим келмади” деб ўқиб кўрайлик-а. Ёки “сарви гулрў”нинг ўрнига сарвиносим ёки санобарим деб кўринг-чи. Мазмунга путур етиши билан баробар шеърнинг ҳиссий ҳамда фикрий таъсир кучи тубдан йўқолади. Энди севгилим ёки сарвиносим деган сўзлар ўрнига асл матндаги сарви гулрўни қўйинг. Бир сўзда бирданига бир неча образ берилган, бир неча маъно ифодаланган. Хусусан, гўзал ёрнинг қадди-қомати сарвга ўхшатиляпти. Кўринадики, сатрдаги сўзлар ёлғиз ахборот берибгина қолмаяпти, балки маҳбубанинг гўзаллигини намоён этувчи эстетик моҳият

касб этипти” [1,171]. Адабиётшунос биргина “сарви гулрў” сўзининг кўлланилишида бир неча маъно товланишларини кўради. Унга синоним бўлган “севгим”, “сарвинозим”, “санобарим” сўзлари айтилмоқчи бўлган поэтик фикрни ифода этиши мумкин, бироқ “сарви гулрў”да маъно қамрови кенг: бу сўз маҳбубанинг суратан ва сийратан гўзаллигини ифода этади. Шу жиҳатни синчковлик билан илғаган олим улуғ сўз санъаткорининг маҳоратини кўрсатиб беради. Олим фикрини давом эттириб, ёзади: “Ёки “Келди жон оғзимғаву ул шўхи бадхў келмади” сатридаги образлар ташиётган маънолар қатламига диққат қаратайлик. Лирик қаҳрамоннинг жони оғзига келган. Бундан ҳам оғир, ситамкор ҳолат бўлиши мумкинми? Лекин шундай ул шўх маҳбубанинг феъли ёмон, севгига муносабати совуқ, ошиқнинг жони вужудидан чиқиб кетгудек бир ҳолатда эса-да, маҳбубанинг феъли ундан-да ёмон. Бу ҳам серқатлам образ” [1, 171]. Н.Раҳимжонов бунда ҳам матний таҳлил нуқтаи назардан ёндашган: “ул шўхи бадхў” дейилишини – маъшуканинг ваъда бериб келмаганлиги, ошиқни фироқда қолдирганлиги билан боғлиқ ҳолда очиб берган.

Ғазал қуйидаги мақтаъ билан интиҳо топади:

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

Н.Раҳимжонов бу байтни қуйидагича таҳлил этади: “Ушбу сатрлардаги “бода” сўзи фақат май, гулоб мазмунини ташибгина қолмасдан, кўнгилларга хузурбахш роҳат-фароғат бағишловчи шаббода, насим маъноларини ҳам ифодалаётир. Маҳбуба қанчалик ситамкору бадхў бўлмасин, ошиқнинг умидлари кўнгил уйини тарк этгани йўқ, у маъшукасининг саррин шаббода мисоли келиб, дилини чоғ этишидан умидвор” [1,171]. Бунда олим “бода” сўзининг ботиний маъноларига эътибор қаратади. Ушбу сўзнинг “кўнгилларга хузурбахш роҳат-фароғат бағишловчи шаббода, насим” маъноси билдириб келади ва “ул шўхи бадхў” – маъшуқа рамзини ҳам ифода этади. Шу таҳлиллар асосида адабиётшунос олим қуйидаги хулосага келади: “Мумтоз адабиётимизнинг адоқсиз бойлиги, туганмас гўзаллиги ҳам шундаки, шеърларидаги сўзлар серқатлам маъноларга айланиб, мўжиза касб этади, ёмби жавоҳир мисоли товланади, жилоланади, қайси қиррасидан олиб қараманг, ловуллаб ёниб туради. Классик шеърятимизнинг ҳар бир улкан намояндаси ана шундай мўжизакор маънавият хазинаси. Ҳазрат Алишер Навоий даҳоси эса ушбу чўққилар силсиласида офтоб мисоли ёғду сочиб туради” [1,172]. Ҳақиқатан, ҳам шеърят мулкининг султони Алишер Навоийнинг бадий сўзга муносабати улкан санъат даражасида туради. У қўллаган ҳар бир сўз юқоридаги каби ҳам матний, ҳам семантик жиҳатдан маъно қирраларига, серқатламлилика эга. Шеършунос олимнинг нозик

кузатишлари шундай фикр айтишимизга имкон беради. Зеро, “Алишер Навоий шеърлари мураккаб, тушунилиши қийин деб турли хил енгил-елпи йўллари изламасдан, хархаша гапларни йиғиштириб қўйиб, дид-савиямизни Алишер Навоий даражасига кўтаришимиз керак” [1,172]. Ҳақиқатан, Алишер Навоий асарлари қатида яширинган маъноларга чуқурроқ кириб бориш зоҳирий ва ботиний маъноларни англаш сари йўл очади.

Умуман олганда, Н.Раҳимжоновнинг Алишер Навоий шеърляти таҳлилига бағишланган эътиборли кузатишлари замонавий матншунослик ва адабиётшунослик ютуқларини акс эттиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Раҳимжонов Н. Бадиият – бош мезон. –Т.: “Академнашр” , 2016.

Раҳимжонов Н. Бадиий сўз эстетикаси. –Т.:Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2017.

### ***НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ***

***Олтиной Қурбонова,***

БухДУ ўзбек адабиёти таянч-докторанти

Таниқли адабиётшунос И.Ғафуров ижодини кузатганимизда, унинг ҳазрат Алишер Навоий ижодига алоҳида бир меҳр билан қараганини кўрамиз. Олим замонавий адабиётни қанчалик чуқур билса, мумтоз адабиёт тарихини ҳам шунчалик теран англайди, бугунги кун нигоҳидан туриб мозийга назар ташлайди. И.Ғафуров Алишер Навоийнинг “Хамса”си тўғрисида қатор мақолалар эълон қилди, ундаги асарлар ва қахрамонларга ҳозирги замоннинг адабий-бадиий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, улардан бошқа мутахассислар шу вақтгача илғамаган янги -янги қирраларини кашф этди. Кўп йиллар мобайнида Алишер Навоий ижодининг фалсафий асоси бўлган тасаввуф инкор қилиб келинган. “Хамса” дostonлари синфийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, ижтимоий ғоя, сюжет-образ чизиги таҳлилидан нари ўтилмаган бир пайтда “И.Ғафуров тасаввуф таълимотини махсус ўрганмаган бўлса-да, аммо савқи табиий амри билан Алишер Навоий ижодини шўро навоийшунослари йўлидан бориб тушуниб етиш мумкин эмаслигини исботлади. Олимнинг “Ўттиз йил изҳори” китобига кирган “Ишқ шиддатининг поғоналари”, “Тафаккур ва ҳиссиётнинг олий нуқталари”, “Дунё кезувчиларнинг доноликлари” каби мақолалари шундан далолат беради. Шу тариқа И.Ғафуров Алишер Навоий ижодининг мислсиз аҳамияти,

<i>Yuldasheva Dilorom Nigmatovna</i> MIR ALISHER NAVOIY: BILIM O‘ZLASHTIRISHNING GRADUAL BOSQICHLARI.....	361
<i>Yusupova Dildora Yunus qizi, Yuldasheva Dilorom Nigmatovna</i> «NAVOIY – NON...».....	365
<i>Teshaev Nutfullo Nasrulloevich</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ.....	369
<i>Umriniso Turaeva</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ БЕГАЛИ ҚОСИМОВ ТАЛҚИНИДА.....	373
<i>Zoyirova Go'zal Nematovna</i> NAVOIYNI SUYGAN EL.....	377
<i>Omarova Gavhar Sadikovna, Alimboyeva Sabohat</i> ALISHER NAVOIYNING ILMIY MEROSI- YOSHLAR MA'NAVIY YUKSALISHI VA TARBIYASIDAGI ANAMIYATI.....	381
<i>Ruzigul Qodirova</i> АЛИШЕР НАВОИЙ БАЙТЛАРИ ШЕЪРШУНОС ОЛИМ НИГОҲИДА .....	383
<i>Oltinoy Kurbonova</i> НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ.....	386
<i>Qo'ldoshev Rustambek Avezmurodovich</i> “DEVONI FONIY”NI TOJIKZABON MAKTABLARIDA O‘QITISH MUAMMOLARI.....	389